

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**107** **Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек мазкур хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун тўловларнинг чекланган миқдорини тасдиқласинлар;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда тегишли пулли хизматлар кўрсатиладиган барча автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларини хатловдан ўтказсинлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ушбу пулли хизматлар кўрсатиш тури соҳасидаги ўз фаолиятини тасдиқланган Автотранспорт воситаларини

вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқлаштирилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2010 йил 1 майдан бошлаб юридик шахслар томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг кўрсатилган мақсад учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорисиз автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш рухсатнома ҳужжатларисиз фаолият турларини амалга оширишга тенглаштирилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини қўллашга олиб келади.

Давлат солиқ хизмати органлари автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолияти юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 5 апрель,  
63-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 5 апрелдаги 63-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича  
пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**И. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудда юридик шахслар томонидан автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш деганда автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари автотранспорт воситаларининг аниқ эгаларига бириктирилмасдан пулли асосда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар тушунилади.

3. Мазкур Низом қуйидагиларга:

жамоат гаражлари — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарори ёки фармойиши билан ажратилган ер участкаларида ташкил этиладиган ва аниқ жисмоний шахсларга бириктириладиган фуқароларнинг транспорт воситаларини сақлаш жойларига;

шахсий гаражлар — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарори ёки фармойиши билан транспорт воситалари эгаларига ажратилган ер участкаларида, яшаш жойи яқинида уларнинг маблағлари ҳисобига қурилган фуқароларнинг автотранспорт воситаларини сақлаш иншоотларига;

ташкilotлар ва муассасаларга белгиланган тартибда ажратилган ер участкаларида жойлашган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун тўлов ундирилмайдиган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларига татбиқ этилмайди.

## **II. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби**

4. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар фақат юридик шахслар томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг:

юридик шахсга автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланишга ер участкаси бериш тўғрисидаги;

ёхуд илгари бошқа мақсадлар учун берилган ер участкасидан унда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун фойдаланиш тўғрисидаги қарорлари мавжуд бўлганда кўрсатилади.

5. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, юридик шахс аризаси асосида қабул қилинади.

6. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари юридик шахсдан тегишли ариза ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар олинган санадан бошлаб уч кун муддатда қуйидаги ҳудудий органларга:

мавжуд жойлаштириш схемаларига, ҳудудларни режалаштириш схемаларига ва туманларни режалаштириш лойиҳаларига, аҳоли пунктларининг бош режалари, режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига, шунингдек шаҳар-созлик нормалари талабларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича — ҳудудий архитектура органларига;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати (кейинги ўринларда матнда ЙҲХДХ деб юритилади) аризада кўрсатилган ер участкасида автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли

хизматлар кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш имконияти тўғрисида сўровнома юборадилар.

Худудий архитектура ва ЙХХДХ органлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг сўровномасини олган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда уларга ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилишда ҳисобга олинадиган тегишли хулосаларни тақдим этадилар.

7. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор юридик шахс тегишли ариза ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатларни тақдим этган санадан бошлаб ўттиз календарь кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорлари мажбурий тартибда аризаچига, тегишли худудий давлат солиқ хизмати органига, шунингдек ер ресурслари ва давлат кадастри худудий органига юборилади.

Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ер участкаси бериш ёки илгари берилган ер участкасидан фойдаланиш юзасидан рад жавоби берилган тақдирда ариза-чига белгиланган тартибда рад этиш сабаблари асосланган ва қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ёзма жавоб жўнатилади.

8. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларида автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун берилаётган ер участкаси майдони мажбурий тартибда кўрсатилади ва берилаётган ер участкасининг аниқ белгиланган контури чизилган тегишли режа-картография материаллари илова қилинади.

9. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фақат автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ўзига ер участкаси берилган юридик шахс томонидан амалга оширилади. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш учун ер участкаларининг ижарага (субижарага) берилишига йўл қўйилмайди.

10. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойи қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) қаттиқ қопламага, ёритилган, ахлатларни йиғиш учун контейнерлар, ёнғинга қарши воситаларга эга бўлиши керак;

б) худудга кириш ва ундан чиқиш учун махсус ажратилган жойлар бўлиши керак. Бунда кириш (чиқиш) жойи йўл ҳаракати хавфсизлиги талаблари таъминланишини ҳисобга олган ҳолда ажратилган бўлиши зарур;

в) худуд атрофи ўралган бўлиши ёхуд махсус ажратилган кириш (чиқиш) жойини айланиб ўтиб худудга кириш (ундан чиқиш) имконини бермайдиган бошқа тўсиқларга эга бўлиши керак;

г) агар худуд автотранспорт воситаларини бир нечта қаторларда жойлаштирган ҳолда сақлаш имконини берса, у ҳолда худуд автотранспорт во-

ситаларининг унинг ичида ҳаракатланиши учун полосаларга ажратилган бўлиши керак;

д) ажратилган кириш (чиқиш) жойига туташ, кўринарли жойда назоратчи-кассирнинг хона (будка)си бўлиши, унинг ташқи томонида йирик ҳарфлар билан (ҳарфнинг бўйи камида 3 см бўлиши керак) автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тарифлари ва шартлари тўғрисидаги ёзувлар бўлиши лозим;

е) ногиронлар учун махсус жиҳозланган камида иккита жой мавжуд бўлиши зарур.

11. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирали назорат-касса машинасига ва пластик карточкалардан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга бўлиши керак.

12. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар томонидан белгиланадиган тарифлар, бироқ ушбу хизматлар тури учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан белгиланадиган тўловнинг чекланган миқдоридан юқори бўлмаган тарифлар бўйича амалга оширилади.

13. Кўрсатилган пулли хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳудудга киришда берилган квитанция асосида, назорат-касса машинаси ёки ҳисоб-китоб терминали чекини мажбурий тартибда берган ҳолда автотранспорт воситаси ҳудуддан чиқаётганда амалга оширилади.

14. Юридик шахслар томонидан автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатилган пулли хизматлар учун тўлов нақд пул билан ҳам, пластик карточкадан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда ҳам амалга оширилади. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишдан тушган нақд пул тушумлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни банклар кассасига топширилиши лозим.

### **III. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслардан солиқ олиш хусусиятлари**

15. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда бюджетга қатъий белгиланган солиқ ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим тўлайдилар.

16. Қатъий белгиланган солиқ ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим ажратилган ҳар бир ҳудуд учун ундирилади.

17. Қатъий белгиланган солиқ ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган майдон учун ҳисоблаб чиқилади. Қатъий белгиланган солиқ бўйича дастлабки солиқ ҳисоботини тақдим этишда

унга (ер участкаси олгандан ёки ундан фойдаланиш мақсадлари ўзгаргандан ёхуд ажратилган ер участкаси майдони ўзгаргандан кейин) мазкур фаолият тури учун ажратилган ер участкаси майдонини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхаси мажбурий тартибда илова қилинади.

18. Қатъий белгиланган солиқ ставкаси ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимнинг чекланган миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади.

Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимнинг аниқ миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади ва чекланган ставкалардан ошмаслиги ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан паст бўлмаслиги керак.

19. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича фаолият билан бирга бошқа фаолият турларини амалга оширадиган юридик шахслар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаши шарт.

#### IV. Яқуний қоидалар

20. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар санитария қоидаларига ва ёнғинга қарши қоидаларга риоя қилиниши, автотранспорт воситаларининг сақланиши, шу жумладан автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш пайтида уларнинг ўғирланиши, қисмларининг ечиб олиниши ва шикастланиши юзасидан жавоб берадилар.

21. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар:

табiiй офатлар (зилзила, довул, сув тошқини ва бошқалар) туфайли автотранспорт воситаларининг шикастланганлиги;

автотранспорт воситаси салонда турган ва унинг бутловчи қисмига кирмайдиган шахсий буюмларнинг сақланиши;

автотранспорт воситалари улар вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиладиган ҳудуддан чиққандан кейин автотранспорт воситаларининг сақланишига тааллуқли эътирозлар юзасидан жавоб берадилар.

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 5 апрелдаги 63-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 августдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 8-сон, 47-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда) илованинг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПҚ–1062-сон қарори)» 2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 20-модда) 1-илованинг 6-банди.